O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MATBUOT VA AXBOROT VAZIRLIGI
201000

Шу азиз Ватан — барчамизники

топширилди: 21.30

O'zbekiston ovozi

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI ❐ 2000 YIL 12 OKTABR PAYSHANBA № 119 (26.669)

Юсуф бин Абдулзохир Мухаммад Саудия Арабистони Подшохлиги Ташки ишлар вазирлиги Макка минтакаси бўлимида хизмат килади. У Президент Ислом Каримов номига самимий дил сўзлари битилган мактуб йўллаб, Оллох таолодан юртимизга кут-барака, бахт-саодат, Президентимизга мустахкам соглик ато этишини сўраб, эзгу тилакларини изхор килган.

Мактуб муаллифининг халкимизга, юртбошимизга юксак хурмат-эхтиром рухида ёзилган шеърий касидаси Ўзбекистоннинг обрў-эътибори. Президентимиз томонидан юртимизда амалга оширилаётган хайрли ишлар хорижий давлатларнинг оддий фукаролари калбида хам катта мехр-мухаббат уйготаётганидан далолат беради.

Юсуф Бин Абдулзохир МУХАММАД

МУРУВВАТ СОҲИБИ

Офтобдек меҳрибон соҳиби Нур—Сиз,
Дарёдил, мурувват соҳибидирсиз.

Эзгулик бобида кароматингиз,
Бўстонлар яратгай саховатингиз.

Юртни обод этди Сиз чеккан заҳмат —
Ватанни чулғайди шон ила шуҳрат.

Жаҳондан ёғилгай олқишлар Сизга,
Шоирлар қасида бағишлар Сизга.

Мурувватда Сиздан ибрат олдилар,
Не-не зотлар Сизга қойил қолдилар.

Яхшиликка чорлаб жоҳилни ҳатто,
Азият чекдингиз улардан гоҳо.

Ҳар қалбга меҳрдан уруғ солдингиз,
Имону вафога содиқ қолдингиз.

Эзгу ишингизга олам гувоҳ, бас —
Сизга бу мақтовлар маҳобат эмас.

Сизнинг элингизга камолот бўлсин,
Муҳаммад пайғамбарга салавот бўлсин!

(Арабчадан таржима.)

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ

ТИНЧЛИК, ТИНЧЛИК, ТИНЧЛИК!

Инсоният ҳеч қачон йўқотиши мумкин бўлмаган нарсани йўқотмаслиги керак.

Агар халқ ўша муқаддас нарсадан айрилса, ҳаёти издан чиқиб кетиши мумкинлигини англаши зарур.

Халқнинг йўқотиши мумкин бўлмаган нарса нима?

Агар одам очарчиликдан қийналса, яхши бўлар, эртага фарзандим ёруғ кун кўради, деб умид қилади. Бир парча нонга қорин тўяди.

Мабодо одам хасталикка йўлиқса, боши ёстиққа тегиб тушкунлик ваҳми босса, эртага ўғил-қизим ишимни давом эткизади, ҳар ҳолда, фарзандларим бор, деб таскин топади.

Инсонга ўша бир парча нонни ейиш учун ҳам, хасталиқда ётса-да келажак ҳақида ўй суриш учун ҳам ҳаловат керак.

Ўғлим нима бўлади, қизим нима бўлади, келажагим нима бўлади, деган оғир изтироб чангалида талвасага тушишдан худо сақласин.

Уруш инсоният ҳаётини вайрон қилибгина қолмай, келажак ҳақида ўй суришдан ҳам мосуво қилади.

Мана бу — даҳшат.

Қуёш чиқади. Табиатнинг буюк инқилоби — тонг отади. Биз ўз кунимизни ўзимиз кўрамиз. Уй. Иш. Оила. Орзулар.

Бугун дуч келган суҳбатдошдан жуда оддий, содда қилиб сўрадим: «Халқимиз учун энг зарур нарса нима?». Жавоблар шу:

Рустамали НОРТИЛЛАЕВ, Чуст тумани Олмос қишлоғи, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси:

— Агар кимки тинчликнинг қадрига етмаса, бундайлар халқига ҳам, юртига ҳам яхшилик қилмайди. Майда-чуйда қийинчиликларни рўкач қилган кишиларга дуч келсам ғазабим тошади. Эҳ, ношуд, сен шу кундан нолияпсанми, эсҳушингни йиғиб ол, дегим келади.

Толиб ТЎРАҚУЛ, журналист, уруш қатнашчиси:

— Тепангда ўқ учиб турса, ичингни қўрқув кемириб, гангиб қоласан. Уруш—ўлим. Йўқотиш. Бу— бутун бир халқ, мамлакат бошига тушадиган фожиа. Урушнинг ёруғ куни бўлмайди.

Гуласал КОСИМОВА, Хоразм вилояти Қўшкўпир тумани, талаба:

— Дунёда нима гаплар бўлаяпти, уруш олови ёнган давлатлардаги ҳақиқий аҳволдан хабардормиз. Бир кунлик урушнинг касри юз йилларга татийди. Тараққиётни орқага суриб юборади. Ҳатто, ўша халқнинг руҳиятида ҳам ўч, ёвузлик илдиз отади. Уруш бўлган жойдан хайр-барака кетади. Юртимизнинг гуллаб-яшнаши тинчлик ва осойишталик туфайли эмасми?!

Жавохир РАХМАТОВ, Тошкентдаги 17-гимназия мактабининг 3-«а» синф ўқувчиси. (Автобусдаги суҳбат)

— Халқимиз учун энг керакли нарса тинчлик.

— Буни сенга ким айтди?

— Устозим Ҳулкар опа Олимбекова. Ўзим ҳам биламан.

—Сенингча уруш нима?

— Урушда одамларни отишади. Ўлдиришади.

— Ким ўлдиради?

— Душманлар...

— Уруш ёмон-а?

— Дадамнинг бобоси урушда ўлган. Дадамнинг укаси ҳам.

— Даданг нима иш қилади?

— Ёзувчи. Уруш ҳақида китоби чиққан... Уруш ёмон.

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

— Урушда инсон ҳеч қачон ғалаба қозонмайди. У йўқотади. Ютқазади. Уруш ҳақида асар ёзган ёзувчилар шу ҳолатни тасвирлагунга қадар изтироб чекадилар. Ва ўзларининг урушда бўлганлиги, бахтсизлигини айтиб, инсониятни бу фожиадан огоҳ этадилар.

Рустам МАҲМУДОВ, Яккабоғ тумани А. Абдураззоков номли жамоа хўжалиги, деҳкон:

— Худога шукр, дейиш керак. Элимиз тинч. Шунинг учун ҳам ишимизда унум бор. Бола-чақамиз билан дастурхон атрофида тўкис-тугал йиғиламиз. Ҳаммамизнинг ўз ишимиз бор. Агар шу кунларга ношукрчилик қилсак, калтабинлик бўлади.

Ҳа. Шундай гаплар.

Халққа кўп нарса керак эмас. Фақат тинчлигимиз мангу бўлсин. Осмонимиз ёруғ, кунларимиз чароғон кечсин. Бу — ёзувчининг ҳам, вазирнинг ҳам, деҳқоннинг ҳам, ўқувчининг ҳам — ҳаммаининг гапи!

Бошқа ҳамма нарсани халқнинг ўзи яратади.

■ **Кўчқор НОРҚОБИЛ**

ДИҚҚАТ, ТАШАББУС!

СУРХОНДАРЁДА ҲАР БИР РАҲБАР ГАЗЕТАГА ОБУНА БЎЛАДИ

— Бу гапда ҳеч муболаға йўқ. Аввало, ҳар бир катта-кичик жамоанинг раҳбариман деган киши бошқаларга ўрнак бўлиши учун ҳам шундай бўлиши керак. Қолаверса, раҳбар биринчи галда ўзининг маънавий дунёсини бойитиши, кундалик воқеа-ҳодисалардан огоҳ бўлиб туриши учун ҳам газета-журналларга обуна бўлса, фойдадан ҳоли бўлмас, — дейди вилоят ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Қувондиқ Мадартов.

Очиғи, бундай хайрли ташаббус 2001 йил учун обуна қизғин бошланган айни пайтда жуда ибратли ҳол. Негаки, обуна бўлиш у ёқда турсин, қўлига газета ушламай қўйганига ҳам бир-икки қовун пишиғи ўтган раҳбарлар ҳам топилади.

— Туманимизда мингдан зиёд ташкилот ва корхоналар мавжуд. Демак, 2000 нафардан кўпроқ катта-кичик раҳбарлар бор. Бу йил нафақат ана шу раҳбарлар, балки уларнинг жамоасидаги одамларни ҳам матбуот нашрларига обуна бўлишига эришиш ниятидамиз, — дейди Қумқўрғон тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Нормўмин Чориев. — Айниқса, туманимиз фуқаролари ҳар йили «Ўзбекистон овози»га обуна бўладилар.

Хуллас, шунақа гаплар. Сурхондарёда 2001 йил учун матбуот нашрларига обуна бўлиш қизғин бошланди. Унинг натижаси эса йил охирида маълум бўлади.

■ **Абдурасул ЖУМАҚУЛ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

Бўз туманидаги «PFAFF SINGER» тикувчилик корхонасида ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Бу ерда хориж технологияси асосида иш юритилиши тез ва сифатли маҳсулот яратилишида бош омил бўлмоқда.

Корхона жамоаси йил якунига қадар 164 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштирган. Ҳозир 200 дан ортиқ ишчи турли ёшдаги эркак ва аёллар кийимлари, чойшаблар тикмоқда. Шу билан бирга улар буюртма асосида маҳсулот ишлаб чиқаряптилар.

СУРАТДА: тикувчи Дилоромхон Мадаминова.

■ **Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.**

БУХОРОДА «DAEWOO UNITEL» ФИЛИАЛИ

Бухорода «DAEWOO UNITEL» уяли телефон компаниясининг филиали очилди. Компания директори Енг Санг Ханнинг таъкидлашича, бундан уч йил аввал ўз фаолиятини Тошкентда бошлаган компаниянинг ҳозирги вақтда мамлакатимизда 37 та бўлими ишлаб турибди. 21 минг абонент ичида бугун бухороликлар ҳам борлиги қувонарли ҳолдир.

■ **Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ОМАД КУЛСА, АЖАБМАС

Футболимиз катта синовдан ўтадиган бўлиб турибди. Ливанда асримизнинг сўнгги Осиё чемпионати бошланмоқда. Бугун Ироқ—Таиланд, Ливан—Эрон терма жамоалари ўртасида дастлабки учрашувлар бўлади. Сўзсиз футболчиларимиз бу имтиҳонга пухта ҳозирлик кўришга ҳаракат қилдилар. Юрий Саркисян бошчилигидаги йигитлардан 22 нафари ўз имкониятларидан етарли фойдаланишга шай десак муболаға бўлмас. Албатта, вакилларимиз куч синашадиган гуруҳда кучли жамоалар жамланган. Хусусан, Осиё кубогининг тўрт карра соҳиби Саудия Арабистони, Сидней Олимпиадасида курашни чорак финалгача олиб борган Япония футболчилари билан куч синашишга тўғри келади. Ҳатто, шу гуруҳдаги Қатар жамоасига ҳам беписанд қараб бўлмайди. Демак, фақат маҳорат, ҳужумкорлик, аҳиллик ўз самарасини бериши мумкин. Осиё чемпионатининг финалида эса 12 жамоа 3 гуруҳга бўлинган ҳолда ғолибликка интилади. Футболчиларимизга эса омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

ЯНГИҚЎРҒОН ОРЗУЛАР ҚАНОТИДА

ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

албатта ҳаётийлик касб этишини алоҳида таъкидлаш лозим. Унинг ибтидо ва интиҳоси бўлиши шарт, яъни у амалга ошсагина ҳаётий орзу ҳисобланади, аксинча бўлса, у орзу эмас қуруқ саробга айланиб қолаверади. Саробга эса ҳеч ким ишонмайди. Фақат реалликкина кишиларни ўз ортидан эргаштира олади. Буни эса туман раҳбарияти яхши англайди.

Янгиқўрғон Наманган вилоятининг шимолий қисмида жойлашган тоғли ҳудуд. Асосий майдони Қирғизистон Республикаси билан чегарадош. Табиати гўзал. Балки шунинг учунми одамлари ўта орзуманд.

Аслида орзусиз одам бўлмайди. Шу орзулар унга қанот бўлиб, уни юксакларга кўтаради, кўнглидаги интилиш ва иштиёқни бир зум бўлса-да асло сусайтирмайди. Шунинг учун ҳам туман одамлари чарчоқ билмайди. Туман ҳокимини-ку асти қўяверинг. Унинг нима орзуси бор экан, дейишингиз мумкин. Егани олдида... бўлса. Лекин одамзот фақат еб-ичиш учун яшамайди. Яшаш учун ейди, ичади. Ҳокимнинг орзуси туман аҳли ҳаётини тугал ва фаровон кўриш, шунга эриштириш. Унинг орзулари туман келажаги билан, орзуманд одамларининг интилишлари билан муштараклик касб этганки, шунинг учун ҳам тумандагилар бир мушт бўлиб жипслашган.

Дарвоқе, орзулар ҳақида гап кетса, у

Янгиқўрғонликлар азалдан отаболари удумлари ва қадриятларини эъзозлаб келади. Шу боис туман ҳокими қаровсиз, ташландиқ ҳолга келиб қолган ўйингоҳни ҳашар йўли билан қайта қуриш таклифини ўртага ташлаганида ҳаммада жонланиш пайдо бўлди. Ҳар бир хўжалик, корхона, ташкилот, муассаса, қўйингки, шу заминда туғилиб нафас олаётган ҳар бир инсон имкон қадар ўз ёрдамини қўшишга интилди. Беш ой давом этган бунёдкорлик ишларидан коллеж талабалари, юқори синф ўқувчилари, ўқитувчи-мураббийлар ҳам четда турмадилар. Қисқаси, юрт аҳли спортни нақадар севишларини намойиш этдилар.

СУРАТЛАРДА: олтин кузнинг олтинбош узумлари; «Поромон» ширкат хўжалиги ишчиси Наргиза Нарзуллаева; Т. Неъматов номли ширкат хўжалиги раиси Кодиржон Неъматов пудратчи Турдали Ботиров билан бўлиқ картошкаларни кўздан кечирмоқдалар; «Нанай» ширкат хўжалиги бош пудратчиси Аюб Шамсуддинов, хўжалик раиси Нурмирза Акбаров ва бош агроном Неъмат Сатторов.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА ДЕПУТАТЛАР САЙЛОВИ

Жамшед Бадриддинович САЙФИДДИНОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод этиб кўрсатилган.

Жамшед Бадриддинович Сайфиддинов 1955 йилда, Самарқанд шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Ўзбек. Олий маълумотли. Тошкент Халқ хўжалиги институтини тамомлаган. Мутахассислиги — бухгалтер-ҳисобчи. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси.

Меҳнат фаолиятини 1974 йилда Давлат банкининг Самарқанд вилоятидаги Улуғбек бўлимида иқтисодчи вазифасини бажаришдан бошлаб, 1980 йилгача шу бўлимда катта иқтисодчи, катта бухгалтер лавозимларида ишлаган. Қатор йиллар давомида Давлат банкининг Самарқанд шаҳридаги Темир йўл бўлими бош бухгалтери ўринбосари, шу бўлимнинг бош бухгалтери, Давлат банкининг Самарқанд вилоят идораси бош бухгалтери, мазкур банк бошқарувчиси ўринбосари, «Ўздеҳқонсаноатбанк»нинг Самарқанд вилоят бошқармаси бошлиғи, Акциядорлик-тижорат «Деҳқонсаноатбанк»нинг Самарқанд вилоят бошқармаси бошлиғи, Давлат банкининг Самарқанд вилоят бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Самарқанд вилоят бошқармаси бошлиғи, «Ўздеҳқонсаноатбанк» бошқаруви раиси, Ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат «Пахтабанк» бошқаруви раиси вазифаларида меҳнат қилди.

Ж. Б. Сайфиддинов 1997-1998 йилларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазири вазифасида фаолият кўрсатди. 1998 йилдан эътиборан, Ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат «Пахтабанк» бошқаруви раиси лавозимида ишламоқда.

Ж. Б. Сайфиддинов — банк-молия тизимининг етук мутахассиси, замон талабларига мос ҳолда иш юритадиган тадбиркор раҳбар. Республикамизнинг деярли барча туман ва шаҳарларида ўз бўлимларига эга бўлган «Пахтабанк», унинг бевосита бошчилигида, халқаро андозаларга жавоб берадиган, замонавий молия-кредит муассасаси даражасига кўтарилди.

Ж. Б. Сайфиддинов виждонан ишлаб, кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлди. Ҳозирда, у бор билим, куч-қуввати ва ғайратини мамлакат иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалигини янада тараққий эттиришга кўмаклашиш, аҳоли ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, унинг турмуш шароитларини яхшилашга қаратмоқда.

Ж. Б. Сайфиддинов «Мустақиллик» нишони билан мукофотланган. Оилали, тўрт нафар фарзанди бор.

Жамшед Бадриддинович Сайфиддинов 189-Сўх сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинди.

XXI АСР — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР АСРИ!

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР ТАРАФДОРИ!

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

НАШРЛАРИМИЗ ИНДЕКСИ:

«Ўзбекистон овози»	— 220
«Голос Узбекистана»	— 121
«Осиё бозори»	— 174

«ЭЪТИҚОД» НОМИ БИЛАН

— ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши нашри бўлмиш «Эътиқод» нинг биринчи сонини газетхонлар жуда қизиқиш билан кутиб олди, — дейди вилоят кенгаши биринчи котиби Маматқул Имомов. — Ундаги мазмунли, қизиқарли ва ранг-баранг материаллар кўпчиликка манзур бўлди.

«Эътиқод»нинг биринчи сони чиқиши муносабати билан вилоят кенгашида бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида партия ҳаёти ва фаолиятини имкон қадар тўлақонли ёритиб бориш мақсадида газетани мунтазам чиқариб туриш зарурати тўғрисида келишиб олинди.

■ **Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ХАЁТИ

ШУ КУНЛАРДА

Андижон шаҳрининг 3, 4, 15-мактаблари ҳудудий бошланғич партия ташкилотларида бўлиб ўтган йиғилишларда Ўзбекистон ХДПнинг дастурий вазифаларини амалга ошириш, унинг сафларини кенгайтириш, 2001 йил учун матбуотга обунани уюшқоқлик билан ўтказиш масалалари муҳокама қилинди. Ушбу мавзудаги партия мажлисларини шаҳардаги мавжуд барча ХДП бошланғич ташкилотларида ҳам ўтказиш мўлжалланган.

* * *

Жалақудуқ туман ХДП кенгашида бўлиб ўтган навбатдаги «Котиблар соати» ички партиявий ишлар ҳамда 2001 йил учун партия марказий матбуот нашрларига обунанинг бориши каби масалаларга бағишланди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Пахтаобод туман кенгаши туман ҳокимлигининг мудофаа бўлими билан ҳамкорликда, ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг жисмоний тайёргарлигини оширишга қаратилган, кўрик-танлов ташкил этди.

Туман партия кенгашининг яна бир ташаббуси билан, туман марказий касалхонасида, ёшлар муаммолари мавзуида, «давра суҳбати» бўлиб ўтди.

* * *

Тўрақўрғон туман алоқа бўлими хизматчилари Ўзбекистон ХДП марказий матбуот нашрларига 2001 йил учун ёппасига обуна бўладиган бўлишди. Бунга эришишда мазкур муассаса бошланғич партия ташкилотининг муайян хизмати бор.

* * *

Уйчи туман партия кенгаши ходимлари, туман ҳокимлиги маданият бўлими билан ҳамкорликда, қатор жамоа хўжаликларида бўлишиб, пахтакорлар ҳузурида оммавий-маърифий тадбирлар уюштиришмоқда. Яқинда, мана шундай тадбирлар А. Навоий номли ва «Гулистон» ширкат хўжаликларида ташкил қилинди.

* * *

Учкўприк фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 5, 14-мактаблар қошидаги бошланғич партия ташкилотларида, Ўзбекистон ХДП Дастури ва Низомини ўрганишга бағишланган, йиғилишлар ўтказилди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Қўқон шаҳар кенгаши раҳбарлари пахтакорларга яқиндан ёрдам кўрсатаётган Қўқон тиббиёт билим юрти ва нефтни қайта ишлаш техникуми талабалари ҳузурида катта концерт уюштирдилар. Тадбир ниҳоясида, ХДП аъзолигига янги қабул қилинган, талабаларга партия билетлари топширилди.

Қўқон шаҳар партия кенгашининг, «Соғлом авлод йили»га бағишланган, яна бир тадбири шаҳардаги 4-махсус болалар интернатида бўлиб ўтди.

Шунингдек, кенгаш томонидан, «Миллий мафкура — келажак пойдевори» мавзуида, илмий-амалий семинар ҳам уюштирилди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши, шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда, «Ўзбекистонда виждон эркинлиги масалалари ва диний экстремизмга қарши курашиш чора-тадбирлари» мавзуида, илмий-амалий анжуман ўтказди.

* * *

ХДП Ҳамза туман кенгаши ва «Камолот» жамғармаси туман бўлими, биргаликда, Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида, «Сиёсат ва ёшлар» мавзуига бағишланган, кеча ўтказди. Асосан, ёшлар иштирок этган ушбу тадбир иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

* * *

Муборак газ конлари корхонаси ишчи-хизматчиларининг 100 нафари «Ўзбекистон овози»га, 50 нафари «Голос Узбекистана»га, 50 нафари эса «Мулоқот» журналига, 2001 йил учун, обуна бўлишди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Касби туман кенгашига қарашли ёрдамчи хўжалик аъзолари пахта сотиш бўйича шартномани туманда биринчилардан бўлиб бажардилар.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

МИНБАР

БУЮК КЕЛАЖАККА ИШОНАМАН

«Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам». Ҳазрат Навоий бобомизнинг мазкур сатрлари бугунги кунда биз ёшларга қарата янада жўшқинроқ жаранглаётгандек туюлади назаримда. Чунки ҳар бир инсон аввало ўзини, ўзлигини англамоғи, эл-юрт учун нима қила олишини чамалаб, интилиб, мақсади йўлида собит турмоғи лозим.

Тўғри, баъзи бир тенгдошларимга сўзларим эриш туюлиши, муҳими пулинг кўп, ишинг яхши бўлишида-да, дея ўйлашлари мумкин. Аммо мен жамиятнинг, қолаверса, Ўзбекистон аталмиш юртнинг жаҳонга кўз-кўз этгувчи ишбилармонлари, олиму зиёлилари бўлмоғимизни назарда тутяпман. Зеро, биз бугунги ёш ўзбеклар ўз турмушимиз, яшаш тарзимиз ёки фақатгина бойлик орттириш ташвиши билан яшолмаймиз. Энди кўпроқ Ватанимиз иқтисодий қудрати, юксаклик салоҳиятининг тобора равнақ топиши ҳақида ўйлашимиз шарт.

Ишонаманки, бугунги кунда юртимизда яратиш ишқи билан Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши, иқтисоди ривожланган давлат бўлиши йўлида фидокорлик кўрсатиб меҳнат қилаётган ва бу йўлда тинимсиз изланиб илм ўрганаётган йигит-қизлар, менинг тенгдошларим, замондошларим кўплаб топилади.

Ўзим саноатчиман. Ипакчилигимизнинг келгуси ривожи ва ишлаб чиқариш жараёнининг такомиллашиши йўлида илмий изланишлар олиб бормоқдаман. Шу билан бирга Хитой Халқ Республикаси ишбилармонлари билан ҳамкорликда ташкил этилган «Цан-цан Компани Лиметед» қўшма корхонасининг Ўзбекистондаги ваколатхонасига раҳбарман. Мақсадим ватанимизда мавжуд қадим ипакчилик саноатининг янада юксалишига, Ўзбекистон жаҳонга нафақат пилла хомашёси, балки сифатли ипак матолари, либослари ҳам бера олишини кўрсатиш йўлида ўз ҳиссамни қўшишдан иборат. Бундан бир йил муқаддам Францияда бўлиб ўтган ипак етиштирувчи давлатларнинг халқаро анжуманида қатнашганимда иштирокчиларнинг ўзбек пилласининг нақадар сифатлилиги ҳақидаги сўзларини тингларканман, ҳали ипакчилик саноатимизнинг ривожланиши билан ҳам дунёни лол қолдирамиз, деган ўй хаёлимдан кечган эди.

Дунё тан олган, ипакчилик саноати ривожланган мамлакатлар сафида мен Ўзбекистонни ҳам кўриш орзуси билан яшайман. Бу йўлда Ўзбекистоннинг буюк келажагига ишонган юртдошларим сафида эканлигимдан фахрланаман!

■ **Юнус КАРИМОВ,**
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти аспиранти

ТАЪЛИМ ВА ИСЛОҲОТ

УСТОЗЛИККА МУНОСИБ БЎЛАЙЛИК

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишдек улкан мақсадга эришиш, аввало устозларга, яъни педагоглар, ўқитувчилар ва мураббийларга боғлиқ. Президентимиз таъкидлаганидек: «Тарбиячининг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумотини, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз».

Устоз сўзи — катта-кичик инсонларнинг ўзаро муносабатида айтиладиган, одамнинг қадр-қийматини улуғлайдиган, салмоғи ва масъулияти катта сўздир.

Устоз — илмнинг муайян йўналиши бўйича чуқур билимга ва ўз мактабига эга бўлган олим, илғор педагогик маҳоратни эгаллаган ўқитувчи ва мураббий, адолатпарвар, инсонпарвар, ҳаётий тажриба орттирган ва келажакни тасаввур эта оладиган инсон, касб-ҳунар сирларининг бетакрор билимдони ва уни авлодларга моҳирона ўргатувчи.

Устоз шундай зотки, у одамларнинг руҳини тарбиялайди, маънавий бойитади, иллатлардан поклайди.

Устоз отадек улуғ, деган нақл бежиз айтилмаган.

Бир куни Искандардан:

— Сен устозингни отангдек ҳурмат қилар эмишсан, шу ростми? — деб сўрадилар.

— Ҳа, — деб жавоб берди Искандар. — Отам мени йўқлик осмонидан олиб тушди, устозим эса ердан кўкка кўтарди!

Бузургмеҳрдан:

— Нима учун устозингни отангдек афзал кўрасан? — деб сўрадилар.

— Чунки отам мени ўткинчи ҳаётга олиб келди, устозим эса боқий ҳаёт бағишлади! — деб жавоб берди.

Устоз ҳақида юқорида айтилган фикр-мулоҳазалар таълим муассасаларида устозлик қилаётган педагоглар, ўқитувчилар ва мураббийлар зиммасига нақадар юксак масъулият, бурч юклатилганини англаб етишга, устозликка муносиб бўлишга **ундайди.**

Устозлик фаолияти узоқ йиллик мураккаб, сабр-тоқат билан тайёрланадиган муносиб шогирдлар билан баҳоланади.

Устоз давлат ва жамият ҳақида, унинг тараққиёти хусусида етарли тушунча ва дунёқарашга эга бўлиши, сўзи ва амалий фаолияти билан ўз халқини фаровонликка, Ватанни янада обод этишга йўлловчи миллий ғояга содиқ, миллий мафкуранинг тарғиботчиси бўлиши лозимки, шогирдлари ундан Ватанга меҳр-муҳаббатни, унинг озодлиги ва ободлиги йўлида фидойиликни ўргансин.

Устознинг ўзи маънавий жиҳатдан баркамол, эътиқодли, виждонан пок, адолатпарвар, инсонпарвар бўлсинким, шогирдлари ундан ҳалолликни, диёнатни, инсонийликни ўргансин. Устоз ўзида миллий ғурур ва ватанпарварлик ҳисси мавжудлигини ўз касбига садоқати ва касб маҳоратида кўрсата олиши зарур. Токи шогирдлари соғлом тафаккур ва дунёқараш эгалари бўлиб етишсин.

Шогирд устознинг юзи, обрўси ва ишлари давомчиси эканлигини доимо ёдда тутиши керак. Устоз шундай илмий мактаб яратсинки, у устознинг истиқболдаги шуҳратига асос бўлиб қолсин.

Буюк немис педагоги Дистервег айтадики: «Ёмон ўқитувчи ҳақиқатни ўқувчига етказади, яхши педагог эса талабага уни излаб топишни ўргатади». Ҳақиқий устоз талабага мустақил билим олишни, мустақил фикр юритишни ўргатмоғи лозим.

Ўқитувчи ўзи ўргатаётган фаннинг қадр-қимматини, ҳаётдаги ўрнини, мазкур соҳадаги билимларни пухта эгаллаб олишнинг заруриятини талаба-ўқувчилар томонидан тўлиқ англаб олишига эришмоғи зарур. Шундагина уларда мазкур фанни ўрганишга иштиёқ уйғонади.

Ҳар бир талаба ёки ўқувчи ўзига хос шахсдир. Сир эмаски, улар орасида ўзларининг ибратли хулқлари, анча юқори ақлий салоҳияти, иқтидори билан ажралиб турадиганлари, шунингдек, ҳали тарбияга муҳтож, билим савияси анча пастлари ҳам бўлади. Иқтидорли талабаларни аниқлаб, уларга мос таълим-тарбия усулларини танлаб, алоҳида шуғулланиб, ўз устида кўпроқ ишлашини, жамоат ишларида фаол иштирокини таъминлаш, қолоқ, дангаса талаба аниқланса, унинг сабабини аниқлаш, ота-оналари билан суҳбатлашиб, ҳамкорликда ундайларга кўмаклашмоқ зарур. Бу борада ўқув гуруҳига бириктирилган мураббийлар алоҳида ўринга, мавқега эгадир.

Мураббий соатларини талабаларнинг ёши, ихтисослиги, қизиқишлари, хоҳишларини ҳисобга олиб, ҳар бир учрашув алоҳида мавзу доирасида, мулоқот усулида ўтилишини таъминлаш муҳимдир. Ўқитувчининг ўзи маъруза шаклида мураббийлик соатини ўтиши кутилган самарани бермайди. Ташаббусни талабаларга берган ҳолда мулоқотни уюштириш керакки, уларнинг барчаси тортинмай, фаол баҳс-мунозара қилсин.

Мураббий мулоқотни қизиқарли уюштиришни ташкил қилиши билан бирга, гуруҳдаги талабалар қандай ўқияпти, давомати қандай, қандай яшаяпти деган масалалар билан ҳам шуғулланиши, уларга ота-онадек меҳр-муҳаббатда бўлмоғи лозим. Айниқса, гуруҳдаги расмий ва норасмий лидерларни аниқлаб, уларга таянган ҳолда иш юритиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Мухтасар айтганда, устозлик — бир томондан машаққатли ва масъулиятли, иккинчи томондан шарафли ва савобли фаолият. Ана шу шарафли ишга, устозликка муносиб бўлайлик.

■ **З. ЙЎЛДОШЕВ,**
ТМИ ректори муовини, Республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, профессор

Мамлакатимиз мустақиллигининг 9 йиллиги муносабати билан мукофотланган бир гуруҳ ватандошларимиз орасида Галлаорол тумани парандачилик ҳиссадорлик жамияти товуқбоқари Гулнора Болтабоева ҳам бор. Ҳукуматимиз унинг фидокорона меҳнатини қадрлаб «Шуҳрат» медали билан тақдирлади.

— Фахрий унвон нафақат менга, балки шу жамоанинг биргаликда иноқлик билан олиб бораётган самарали меҳнатига қаратилган эътибор деб биламан, — дейди Г.Болтабоева.

Ушбу ҳиссадорлик жамияти вилоятдаги энг катта парандачилик корхонаси бўлиб, юқори кўрсаткичлар билан ишламоқда. Ярим йиллик натижаларига кўра тухум етиштириш 108 фоиз қилиб бажарилди. Парранда гўшти ишлаб чиқариш эса режадаги 22 тонна 800 кг ўрнига 58 тонна 600 кг қилиб уддаланди. Корхона умумий ҳисобда ярим йилни 14 млн. 682 минг сўм фойда билан якуплади.

Ҳиссадорлик жамияти кўрилаётган фойда ҳисобига ишчиларни ижтимоий муҳофаза қилишга катта эътибор бермоқда. Бундан ташқари корхонага қарашли болалар боғчасини тухум ва гўшт билан бепул таъминламоқда.

Суратларда:
иш пайтидан лавҳалар.

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

«IBN SINO — AVICENNA» — ЯНГИ ЖУРНАЛ

Президентимизнинг ўтган йили «Ибн Сино халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони билан ташкил этилган жамғарма бугун ўз журналини мухлисларига тухфа этди. Яқинда Республика Миллий матбуот марказида мазкур журналнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Журнал 1000 нусхада ҳар уч ойда бир марта ўзбекча, инглизча ва русча нашрда чиқади.

— Буюк олим ҳаёти ва ижодининг янги қирраларини ва унинг тиббиёт соҳасидаги билимларини кенг оммага етказиш бош мақсадимиз, — дейди жамғарма бошқаруви раиси, журналнинг бош муҳаррири, профессор Шуҳрат Иргашев. — Ибн Синонинг ҳаёт йўли, ижоди, у яратган билимлар мажмуасининг ҳозирги замон фани ва амалиётига кўрсатадиган таъсирини таҳлил этамиз. Журнал етмишдан ортиқ хорижий давлатларга етиб боради. Шу билан бирга у кишининг шахсияти билан шуғулланувчи хорижий олимлар билан ҳамкорлик қилиш кўзда тутилган.

■ **Абдуғани СОДИҚОВ**

МУЛОҲАЗА

МУЛЛА ТЎЙЧИНИНГ ВИДЕОКАССЕТАСИ БОРМИ?

ЁХУД ЎЗ САВОЛИДАН ЎЗИ МУЛЗАМ БЎЛГАН ҚАРИЯ ҲАҚИДА

... Ишдан келсам айтишди: «Қўшни қишлоқдан бир қария қўнғироқ қилди. Ёнимга бир келиб кетсин, айтадиган дардларим бор, дейди...». Одатда айрим кексалар нафақаси озлигидан ёки ўғилларига иморат учун участка ўрни ололмаётганидан нолишади. Ана шундай кишилардан биридир деган ўйга бордим.

Тўғриси, бир ёқда хизматчилик, бир ёқда воҳадаги сувсизлик муаммоси, томорқамни суғориш ташвишида юриб, бирор ҳафта қариянинг олдига ўтишга вақт тополмадим.

Кейин яна қўнғироқ. Яна эшитган сўзларим.

Бордим. Қария — нафақахўр Бобожон ота Эшбеков Боғот туманидаги Хитой қишлоғида яшаркан. Ўртаҳол деҳқон оиласи. Қария ҳали тетик. Сўзлари бурро-бурро.

Қариянинг норозилигини тезроқ эшитгим келади, ишим тиғизлигини баҳона қиламан.

«Мухбир ўғлим, сиз шошманг. Менинг дардларимни эринмасдан эшитинг. Бу сўзларимнинг хўжалик раисига ёки туман ҳокимига тегадиган жойи йўқ...». «Бўлмаса гап нимада?» — сал шошқалоқлик қиламан.

«Яқинда вилоят марказидаги видеокассеталар сотадиган дўконларга бордим. «Мулла Тўйчининг видеокассетаси борми?» деб сўрасам, сотувчи йигит «Мулла Тўйчи ким ўзи?» деб ҳайрон қолди...»

Мен яна алланималар деб қарияни тинчитмоқчи бўламан, Мулла Тўйчилар замонида видеокамералар бўлмаганидан билағонлик қиламан. Йўқ, қария тамом бошқа нарса ҳақида гапираётган экан.

«Кейин Фаттоҳхон Мамадалиевникини сўрадим. Елка қисади. Жўрахон Султонов, Комилжон Отаниёзов, Ҳожихон Болтаев қўшиқлари ёзилган лента бордир десам, қанақадир Оғабек-Соғабек деганларнинг матоҳларини кўрсатди. «Менга данғир-данғир керакмас, классик қўшиқлардан бирортаси керак» десам, «Ота, сиз айтган қўшиқларни ким эшитади? Эстрададан гапиринг, эстрададан», — деб кулади ёшгина сотувчи йигит. Ўзимдан ўзим хижил тортиб кетдим, ўғлим...»

Қария мол-ҳоли, дала боғидан бўшади дегунча телевизор қаршисига ёнбошлайдиган, ҳийла шинаванда эканлар. Ҳатто қўшиққа шинавандалигидан ўғилларига видеомагнитафон ҳам олдирган. Аммо...

«Мен юртимиз осмонини қора булутлар қоплаган замонларда туғилган авлод вакилиман. Шўро замонида-да — қора зимистонда кеча-кундуз қорнимиз учун меҳнат қилганмиз. Дам олиш қайда? Энди елкамизга ёруғ тегди, истиқлолга чиққанимизда роса севинганман. Энди худо берадиган умримизнинг қолганини мириқиб дам олиб кечираман, деганман. Бунга бизнинг авлоднинг роса ҳаққи бор-да! Аммо, қўшиқ ихлосманди бўлган камина учун қандай дам олиш мумкин? Телевизорнинг «Биринчи» ва «Ёшлар» каналларини очсам, ҳамма вақт даранг-дурунг, тарала-ялла. Мақомлар қани? Мумтоз қўшиқларимиз қани? Биз қариялар озчилик эмасмиз, уч-тўрт миллион келармиз... Нима, бизгаям алоҳида канал очиш керакми?»

Қариянинг ойнаи жаҳонга эътирозлари кўп. Бир вақтлар Қодир Маҳсумрв, Қодир Тожиев каби сухандонлар классик шоирларимизнинг ғазалларини ўқиганларида ўликлар тириларди, дейди. Эндиги дикторлар эса оғзини зўрға очиб гапирадилар, ғазал у ёқда турсин, бирор шеърни ўрнига қўйиб ўқий олишмайди, дейди. Хоразм телевидениеси қошида бир вақтлар «Мақомчилар дастаси» бор эди, Ўзбекистон халқ ҳофизи Рўзмат Жуманиёзов бош эди. Ҳафта-ўн кунда бирор концерт бериб туришарди, у ҳам сўнгги вақтларда гум бўлиб кетди, дейди...

Мен яна эътироз билдирмоқчи бўламан, «Бобур лирикаси» эшиттиришини ёдга соламан.

«Булар номига. Ҳар замонда бир кўрсатишади ё йўқ. У кўрсатувларнинг ҳам сифати қочиб кетган. Ҳамма ёқда эстрада! Ғарб мусиқаси «ишғол» қилиб бўлди. На куйда маза бор, на қўшиқда: «Кўрмасам ўламан, кўрсам тинчийман» қабилидаги сўзлар...»

Қария фикрларини мисоллар билан тўлдиради. Муножот Йўлчиева хорижда куйлаганда бутун зал сел бўлиб йиғлаганини айтади. Чет элликлар қўшиқ мазмунига тушунмаган бўлсалар-да, ундаги оҳангларга ром бўлишган. Абдуҳошим Исмоилов телевизордаги бир суҳбатида «Ҳар бир замоннинг ўз қўшиғи, ўз қўшиқчиси, ўз томошабини бўлади» деган гапни айтди. Тўғридир. Лекин, бизнинг замонларда бизнинг авлод томошабини бўлган ҳофизларни қайдан топамиз? Ҳаммаси дунёдан ўтиб кетишган бўлишса. Телевизордан бошқа нимадан умид қиламиз, дейди у куйиниб...

Мен радиони ёдга оламан. «Э, ўғлим бир вақтлар ҳар бир уйда радио бўларди. Эшитардик. Ҳозир уларни ҳам йўқотишди. Симларни олиб ташлашди. Ҳатто вилоятдан, тумандан эшиттиришлар бериб туриларди. Нега йўқотишганини сўрайдиган мард йўқ...»

... Хоразмнинг чекка қишлоғида яшаётган қариянинг фикр-эътирозларига инкор тополмайман. Суҳбатимизга чойни янгилаган кампири аралашди: «Шу гапларни бирор газетда чиқармасангиз, чолим тинчимайдиган кўринади. Шунақа одати бор...»

Мен уларга айтганларини матбуотда чиқаришга ваъда бердим. Аммо, бу чиқишдан сўнг бирданига телевизор экранини мумтоз қўшиқлар эгаллайди ва мусиқа дўкончаларида Мулла Тўйчининг қўшиқлари ёзилган кассеталар тўлиб кетади, деган кафолат беролмаслигимни ҳам айтиб, узр сўрадим...

■ **Рўзимбой ҲАСАН,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ТОМА-ТОМА КЎЛ БЎЛАР

Мамлакатимиз пахта хирмони тобора юксалиб, уч миллион тоннага етай деб қолди. Қашқадарёлик миришкорлар ҳам бу йилги қийин шароитда мисқоллардан хирмон уйишмоқда. Шаҳрисабз туманидаги Улуғбек номли ширкат хўжалиги жамоаси маррага биринчилар қатори етишди. Уларга эргашган Усмон Юсупов туманидаги «Жейнов» хўжалигида 6750 тонна, Қарши туманидаги Яхши Омонов хўжалиги эса 5 минг тонналик хирмон билан маррага етдилар. Жейновликлар энди 8 минг тоннани кўзлашмоқда. «Яхши Омонов» пахтакорлари эса яна 800 тонна пахта топшириш мажбуриятини олишди.

■ **Юнус УЗОҚОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ОЛИМПИАДА НАФАСИ

ЎЗБЕГИМ БАҲОДИРИ

Муҳаммадқодир АБДУЛЛАЕВ: 1973 йил 15 ноябрь куни Андижонда туғилган. 13 ёшидан бокс билан шуғулланади. Мураббийлари — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устозлари М. Қўчқоров ва А. Размахов. Кўп карра мамлакат чемпиони, икки бор Марказий Осиё ўйинлари (1995—Тошкент; 1997—Алмати) ва Осиё (1997—Куала-Лумпур, 1999—Тошкент), Осиё ўйинлари ғолиби (1998—Бангкок), жаҳон кубоги соҳиби (1998—Чонг-Гинг), жаҳон чемпиони (1999—Хьюстон), Олимпиада чемпиони (2000—Сидней). «Ўзбекистон ифтихори», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи» Фахрий унвонлари, «Шуҳрат» медали ва «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланган.

Шерлар ҳаётига оид бир ҳужжатли фильмни кўргандим. Ажаб, арслонлар орқа оёқларида туриб, олд оёқларида бир-бирлари билан жанг қилишар экан. Негадир боксчилар ҳақида ўйлаганимда шу лавҳалар кўз олдимдан кетмайди. Ахир, рингга ғалаба қозониш учун тушган боксчининг вужудидан ҳам арслон шиддати ёғилади-да.

1974 йили номдор боксчимиз Руфат Рисқиев жаҳон чемпиони бўлди. Мутахассислар унинг рингдаги чаққон ва дадил ҳаракатларидан ҳайратга тушишиб, Руфатни «Тошкент йўлбарси» деб атай бошлашди. Боксчимиз довруғи дунёга кетган ўша кезларда юртимиздаги ҳар бир ота ўз ўғлининг «Тошкент йўлбарси»дай шуҳрат қозонишини хаёлидан кечирган десак, муболаға бўлмас. Маҳаммадёқуб ака ҳам бир ёшли ўғли Муҳаммадқодирни қўлга олганида, орзулар оғушида: ўғлим боксчи бўлади, қачондир оламшумул ғалаба қозонади, уни ҳамма «Андижон арслони» деб шарафлайди деган бўлса не ажаб.

Ҳар ҳолда, Маҳаммадёқуб ака ёлғиз ўғлининг ёши етгач, «Спартак» жамиятининг бокс тўгарагига етаклаб боргани рост. «Ўғлимни синаб кўринг, боксчи бўлишбўлмаслигини айтсангиз», — дея мураббийдан илтимос қилди. Меҳрибон мураббий Турдиали Ўзғунов бир ҳафтадан кейин хабар олишини айтди. Шу вақт ичида у Муҳаммадқодирга ҳар хил топшириқлар бериб, ташқарига чиқиб кетарди ва деразадан янги шогирдининг машқларини кузатарди. Беш вақт намозини канда қилмай, қатъий интизомга ўрганган Муҳаммадқодир боксдаги тартиб-қоидага дарҳол кўникди. У машғулотларга ўз вақтида келар, рухсат бўлмагунча кетмасди. Мураббий берган топшириқларни то ўзи келиб тўхтатмагунча астойдил бажарарди. Шу боис, мураббий бир ҳафтадан кейин отасига ўғлидан боксчи чиқишини айтди. Бу — Муҳаммадқодир учун боксчиларга хос беором кунлар бошланганидан нишона эди.

У шундай оғир ва фахрли йўлни танлади. Баъзан ҳакамлар адолатсизлиги қурбони бўлди, баъзан ўзи хатоликка йўл қўйди. Лекин ҳеч қачон умидсизликка тушмади, ҳар бир «жанг»дан тўғри хулоса чиқарди, эртасигаёқ яна машқларга зўр берди. Шароит тақозосига кўра Шуҳрат Абдуллаев, Лочинбек Қўчқоров қўл остида шуғулланди. Республика олимпия ўринбосарлари билим юртига ўқишга кирди. Иқтидорли мураббийлар Марс Қўчқоров ва Александр Размахов раҳбарлигида машғулотларга жиддий киришди. Икки мураббий маслаҳатлашиб, Муҳаммадқодирни 60 кг. вазндан 63,5 кг. вазнга ўтказишди. У шу вазнда дастлабки мусобақадаёқ ажойиб ғалабага эришди. Бу жаҳон кубоги сари биринчи дадил қадам эди.

Одатда спортчининг жисмоний тайёргарлиги ҳақида кўп гапирамиз. Руҳий тайёргарлигига эса эътибор қаратмаймиз. Ҳолбуки, нуфузли мусобақаларда жисмонан соғлом ва руҳан баркамол спортчиларгина ғалаба қозонишади. Муҳаммадқодир Атланта Олимпиадаси арафасида қабристон ёнига ўзи эккан, ҳосилга кираётган ўрикларни қирқиб ташлаб, ўрнига терак қадашганини кўрганда жаҳл қилди, ҳатто бир-иккитасини синдирди. Атлантада биринчи «жанг»даёқ мағлубиятга учради. Будапештдаги жаҳон чемпионатига кетиш олдидан вокзалга шошаётгани учун отаси «йўловчини олиб кетайлик» дейишига қарамасдан машинани тўхтатмади. Яна мағлубият. Кейинчалик отаси унга: «Ниҳолни синдирган, йўловчини олмаганингдаёқ кўнглим ғаш бўлганди, ютқазишингни сезгандим», — деди. Жаҳон кубогига кетиш олдидан Муҳаммадқодир отасининг раъйига қаради. Қанча жойга киришиб, дуои фотиҳа олишди. Қанча таниш-нотанишларни манзилига олиб бориб қўйишди. Шунга қарамай, у отасидан сўради:

— Кўнглингиз ғаш бўлмасин, тилагингизни айтинг, бажариб кетай.

— Йўлинг оқ, ўғлим, омад ёр бўлсин, — дея дуо қилди ота.

Хитойнинг Чонг-Гинг шаҳрида ўтган жаҳон кубогига кучлиларнинг кучлиси тўпланди. Муҳаммадқодир биринчи «жанг»га кетар экан ўйлади: «Агар мусобақада ғолиб чиқсам, шу рингга тиз чўкиб, Оллоҳга ҳамду санолар ўқийман». У финалгача рақиблари қаршилигини шиддатли «жанг»ларда синдирган, ҳосилга кираётган ўрикларни қирқиб ташлаб, ўрнига терак қадашганини кўрганда жаҳл қилди, ҳатто бир-иккитасини синдирди. Атлантада биринчи «жанг»даёқ мағлубиятга учради. Будапештдаги жаҳон чемпионатига кетиш олдидан вокзалга шошаётгани учун отаси «йўловчини олиб кетайлик» дейишига қарамасдан машинани тўхтатмади. Яна мағлубият. Кейинчалик отаси унга: «Ниҳолни синдирган, йўловчини олмаганингдаёқ кўнглим ғаш бўлганди, ютқазишингни сезгандим», — деди. Жаҳон кубогига кетиш олдидан Муҳаммадқодир отасининг раъйига қаради. Қанча жойга киришиб, дуои фотиҳа олишди. Қанча таниш-нотанишларни манзилига олиб бориб қўйишди. Шунга қарамай, у отасидан сўради:

— Кўнглингиз ғаш бўлмасин, тилагингизни айтинг, бажариб кетай.

— Йўлинг оқ, ўғлим, омад ёр бўлсин, — дея дуо қилди ота.

Хитойнинг Чонг-Гинг шаҳрида ўтган жаҳон кубогига кучлиларнинг кучлиси тўпланди. Муҳаммадқодир биринчи «жанг»га кетар экан ўйлади: «Агар мусобақада ғолиб чиқсам, шу рингга тиз чўкиб, Оллоҳга ҳамду санолар ўқийман». У финалгача рақиблари қаршилигини шиддатли «жанг»ларда синдиришга муваффақ бўлди. Финалда яна бир оғир синовдан ўтди. Унга охирги раунд олдидан кубалик Лоренцо 8:12 ҳисобида ютқазаётганини айтишди. У бир дақиқалик танаффусда нималар ҳақида ўйлади, бизга қоронғу. Аммо сўнгги раундга чиқар экан, «Оллоҳ, мени шарманда қилма» дея «жанг»га ташланди. Энди уни кубалик номдор боксчи тўхтатиб қолишга қодир эмас эди. Кетма-кет берилаётган аниқ зарбалар нишонга тегарди, ҳисоб юртдошимиз фойдасига ўсиб борарди. Бонг. Ҳисоб — 17:13. Ҳакам Муҳаммадқодирнинг қўлини кўтарди. У рингга тиз чўкиб, Оллоҳга ҳамду санолар ўқиди. Айнан шу ғалаба уни янги «чўққи»лар сари етаклади.

Ўша йил Бангкокда бўлган Осиё ўйинлари финалида ҳам Муҳаммадқодир маҳорат кўрсатди. Негаки, унга мезбон — таиландлик боксчи қарши чиққанди. Зал ўз ватандошини қўллаб-қувватлаётган мухлислар ҳайқириғидан ларзада. Бундай шовқин-суронда эсанкираб қолиш ҳеч гап эмас. Пишиқ жуссали Муҳаммадқодир оҳиста рингга кўтарилди, жанговар ҳолатга кирди, бирдан елкадор, бўйчан кўриниш олди, вужудида арслон шиддати. Ҳа, давраларда мулойим кўринадиган Муҳаммадқодир рингда шер бўлиб кетарди. Бу гал ҳам ташаббусни қўлга олди, рақибига имконият қолдирмади. Боксчинг ҳақиқий билимдонлари бўлган таиландлик мухлислар боксчимиз ғалабасини олқишлашарди.

Хьюстонда ўтказилган жаҳон чемпионатининг илк учрашувида Муҳаммадқодир россиялик кучли боксчини енгди. Иккинчи «жанг»да америкалик Рикардо Уильямсга қарши рингга чиқди. Залда яна ҳайқириқлар. «Вақтли финал» номини олган бу учрашув ҳамюртимиз фойдасига ҳал бўлди. Бироқ олдинда ҳали бир-биридан оғир учта жанг бор эди. У бу синовлардан ҳам муваффақиятли ўтиб, жаҳон чемпионига айланди. Энди унинг боксда ушалмаган биттагина орзуси қолганди: Олимпиада чемпиони бўлиш!.. Тошкентдаги Осиё чемпионатида ғолиб чиқиб, Сидней Олимпиадаси йўлланмасини қўлга киритди. Машаққатли тайёргарлик машғулотлари бошланди. Ҳамюртларимиз нигоҳи олимпиачиларимизда, кимдир олтин медаль оларми-кин?! Муҳаммадқодир «ойнаи жаҳон» орқали берилган кўрсатувда ишқибозлар кўнглида умид чироғини ёқди:

— Худо хоҳласа, Олимпиадада олтин медаль оламан...

Асримизнинг сўнгги Олимпиадасига борган ҳар бир спортчи ғалаба иштиёқида ёнарди. Ахир, 199 давлатдан келган 10 минг нафардан ортиқ сара спортчи, яна шунча мутахассис, 20 минг нафарга яқин журналист, юз минглаб мухлислар, қолаверса, бутун дунё кўз ўнгида ғалаба қозониш катта шараф. Айниқса, мустақил Ўзбекистонимиз учун шундай ғалаба жуда-жуда зарур эди. Буни ҳар бир спортчимиз биларди. Лекин вақт ўтиб борар, спортчиларимиз бирин-кетин мусобақани тўхтатишарди. Олимпиада ёпилиш маросимига саноқли дақиқалар қолган. Ўзбекистон жамғармасида битта кумуш, иккита бронза медали бор, холос. Ҳамюртларимиз нигоҳи, умиди ёлғиз Муҳаммадқодирдан.



Ҳамма имкониятларни чамалайди. Муҳаммадқодир олдинги тўртта учрашувда яққол ғалаба қозонди. Унинг рақиби америкалик Рикардо Уильямс-чи? Ярим финалда кубалик боксчи устидан 42:41 ҳисобида устун келибди. Саккиз дақиқа ичида 42 аниқ зарба! Ғалабага интизор мутахассису мухлислар қалбида ҳаяжон, хавотир. Мана одатдагидай Муҳаммадқодир хотиржам рингга кўтарилди, жанговар ҳолатда. Яна елкадор, бўйчан кўриниш олди, вужудида арслон келбати. Демак, ҳаммаси жойида. У биринчи сониядан ташаббусни қўлга олди. Бор-йўғи 8 дақиқа «жанг». Дақиқалар... Муҳаммадқодир Абдуллаев — Олимпиада чемпиони! У зарбоф тўн кийиб, байроғимизни ринг узра ҳилпиратди. Кейин рингга тиз чўкиб, Оллоҳга ҳамду санолар ўқиди. Бу дамда залдаги томошабинлар, бутун дунё «Андижон арслони»ни шарафларди.

Мен фильмларда арслонларни кўп бор кузатганман. Қуёшга тик боқишга ўрганган арслонлар кўзларида ҳеч вақт ёш кўрмаганман. Фақат Сидней Олимпиадаси шоҳсупасида турган ўзбек арслони, унинг шарафига мадҳиямиз янграётган, байроғимиз кўтарилаётган пайтда кўз ёшларини тўхтата олмади. Бу севинч кўз ёшлари эди. Бу миллати, халқи, юрти, Президенти ишончини оқлаган «арслон»нинг қувончи эди.

Олимпиада ёпилиш маросимида Ватанимиз байроғини кўтариб тушишга тайёргарлик кўраётган Муҳаммадқодирга юртбошимизнинг ғалаба муносабати билан табрик йўллаганини айтишди. У қулоқларига ишонмади, табрикни қайта-қайта ўқиб беришларини сўради. Сўнг шодлиги бир олам бўлиб, байроғимизни кўтарганча «Австралия майдони»нинг маркази томон йўналди. Гўё шу дамда спортчилар, мутахассислар, Сидней халқи, бутун дунё Олимпиада ёпилиш маросимини эмас, унинг ғалабасини, Ўзбекистон ғалабасини тантана қиларди.

■ **Асрор МЎМИНОВ**

Z

10 минг ўринга мўлжалланган «Шоҳруҳ» спорт мажмуасида барча қулайликлар мавжуд. Югуриш йўлакчалари, футбол майдони, теннис корти, волейбол ва баскетбол майдонлари, дам олиш хоналари, меҳмонхона мавжуд. Унинг тантанали очилиш маросимига бутун янгиқўрғонликлар кўчиб келди.

Туманда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига алоҳида эътибор берилмоқда. Туман марказида 750 ўқувчига мўлжалланган агроиқтисодиёт коллежи замонавий услубда қайта таъмирланиб ва жиҳозланиб фойдаланишга топширилиш арафасида. Бу ишга 258 миллион сўм маблағ сарфланди. Туман асосан сабзавотчилик ва боғдорчиликка ихтисослашгани боис бу ўқув масканида 2002 йилдан қишлоқ ва ўрмон хўжалиги йўналиши бўйича кадрлар тайёрлашга киришилади. Бундан ташқари бир қанча қишлоқларда ҳам коллежлар қурилиши кўзда тутилган. Эндиликда булар орзу эмас, балки реал режалардир. Мақсад қишлоқ ёшларини бирор-бир касб-ҳунарга йўналтириш, ҳаётда ўз ўрнини топишига кенг имконият яратиш. Бундай залворли ниятларни амалга ошириш учун эса албатта катта-катта маблағлар керак бўлади. Бу, бугун ва эртага қилинадиган тинимсиз меҳнатга ва келажак учун ёниб яшашга боғлиқ.

Туманда иш маромида илмий асосда ташкил этилган, десак муболаға бўлмас. Сабаби туманда 13 минг гектар экин майдони бўлса, шундан 9 минг гектарига ғалла экилади. Қолгани боғдорчилик-узумчилик ва сабзавотчиликка ихтисослашган. Демак, шу нарса аёнки, ғаллачиликда алмашлаб экишнинг имконияти чегараланган. Бундан ташқари сув билан таъминланиш даражаси талабга нисбатан 55-58 фоизни ташкил этади, холос.

— Туманимизда 7-8 йилдан бери 45-50 фоиз экин майдонларига сурункасига ғалла экиб келинади, — дейди туман ҳокими З. Мамажонов. — Ғаллачиликда эса бир жойга уч марта шу экин такрор экилгач, учинчи йилдан бошлаб ҳосилдорлик ҳар йили 2 центнердан камаяверади. Бу табиий ҳол. Бунинг олдини олиш учун эса биз маҳаллий ўғитларга бўлган муносабатни тубдан ўзгартирдик, яъни ғалла майдонларига маҳаллий ўғит сепиш ва шарбат қилиб оқизиш тажрибасини қўллаяпмиз. Лоф эмас, 40 минг тоннадан ортиқ маҳаллий ўғитни ғаллазорларга шарбат қилиб оқиздик ва бошқа агротехника хизматларини ҳам маромида олиб бормоқдамиз.

Натижада бу йил ҳар гектаридан ўртача 34,5 центнердан, яъни аввалги йилга нисбатан 4,5 центнер кўп дон олдик ва давлатга 24 минг 200 тонна ғалла сотдик. Бу туман тарихида шу пайтгача ишғол қилинмаган кўрсаткич. Тўғри, бошқа жойларда 60-70 центнердан ғалла олаётганлар ҳақида кўп эшитганмиз. Бизнинг бугунги ҳаракатимиз ана ўша илғорлар даражасига етишишнинг дебочаси. Иншооллоҳ, ўша даражага етамиз ҳам. Ҳозир келаси йил учун кузги ғалла экиш жадаллик билан олиб борилмоқда.

Дарҳақиқат, ҳоким айтганидек, туманда нафақат ғаллачиликда, балки қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида салмоқли натижаларга эришилмоқда. Буни йил якунларидан ҳам билса бўлади. Масалан, 1998 йилни туман аҳли 30 миллион сўм соф фойда билан якунлаган бўлса, 1999 йилда эса 70 миллион сўм фойда олинди. Бу йил ушбу кўрсаткични 160-200 миллион сўмга етказиш йўлида саъй-ҳаракат қилинмоқда.

Ишда унумдорлик, экин-тикинда ҳосилдорлик ошишининг яна бир сабаби ерларнинг пудрат асосида оилаларга бўлиб берилгани бўлди. Ер ҳақиқий эгасига берилди. Шунинг учун ҳам бу йил ҳосил бўлиқ. Бу эса тузилган шартномалар ортиғи билан бажарилишининг кафолатидир. Ҳозир йиғим-терим айни авжида. Тўйчи Неъматов номли, «Заркент», «Туркистон», «Нанай», «Исковот» ширкат хўжаликлари пудратчилари, айниқса, пешқадамлик қилмоқдалар.



СУРАТЛАРДА: Агроиқтисодиёт коллежи; «Шоҳруҳ» спорт мажмуасининг ҳозирги кўриниши; туман ҳокими З. Мамажонов (ўртада) қурувчи Ғофуржон Йўлдошев ва «Поромон» ширкат хўжалиги раиси Мирзадавлат Эрназаров билан.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ ВАКАНТ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Араб филологияси кафедраси, кафедра мудири 1 ўрин, доцент 2 ўрин.

Жанубий Осиё тиллари кафедраси, кафедра мудири 1 ўрин, катта ўқитувчи 1 ўрин.

Хорижий мамлакатлар тарихи, кафедра мудири 1 ўрин, доцент 1 ўрин.

Корейс филологияси кафедраси, катта ўқитувчи 1 ўрин.

Шарқ тиллари кафедраси, катта ўқитувчи 1 ўрин.

Инглиз тили кафедраси, кафедра мудири 1 ўрин, доцент 1 ўрин.

Ғарбий Европа тиллари кафедраси, кафедра мудири 1 ўрин, катта ўқитувчи 2 ўрин.

Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодий кафедраси, катта ўқитувчи 1 ўрин.

Узоқ Шарқ мамлакатлари иқтисоди кафедраси, доцент 1 ўрин.

Рус тили кафедраси, кафедра мудири 1 ўрин, катта ўқитувчи 1 ўрин.

Ижтимоий фанлар кафедраси, доцент 1 ўрин.

Табиий фанлар кафедраси, кафедра мудири 1 ўрин.

ҲУЖЖАТЛАР ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН ЭЪТИБОРАН БИР ОЙ ИЧИДА ТОПШИРИЛИШИ ЛОЗИМ.

ҲУЖЖАТЛАР:
1. Ректор номига ариза.
2. Шахсий варақа.
3. Диплом(аттестат) нусхалари: олий маълумот, илмий даражаси ва илмий унвон ҳақида аттестат.
4. Илмий ва илмий-услубий ишлар рўйхати.

Манзил: 700047, Тошкент, Лоҳутий кўчаси, 25. Тел.: 133-44-36.

АТРОФ-МУҲИТ ТОЗАЛИГИ УЧУН

Исроил парламенти мамлакат ҳудудининг тозалигига алоҳида урғу бермоқда. Ва шунинг учун ҳам атроф-муҳит ифлосланишига қарши қонунлар ишлаб чиқди. Эндиликда кўчада кимки сигарет, қоғоз ёки бирор-бир буюм ташласа уларни шафқатсиз жарималар кутади. Масалан, машинада кетаётиб сигарет қолдиғи ёки бошқа нарсани кўчага улоқтирса, 250 шекел (65 доллар) жарима тўлайди. Агар ташлаган ахлати кўпроқ ва белгиланган жойга ташланмаса жарима қиймати ортади, яъни 500 шекел. Бундан ташқари жамоат жойларида берухсат овоз кучайтиргичлардан фойдаланиш, ёки тунда бақириб-чақириш ҳам яхшиликка олиб келмайди. Бундай тартиббузарларга 350 шекел жарима солинади.

ПОРАХЎРЛИККА ҚАРШИ

Кения ҳукумати депутатлар орасида порахўрлик авж олаётганидан ташвишда. Нима қилиш керак? Тарқатиб юборибми, парламентни янгилаганбилан яна ўша ҳол юз бериши мумкин. Ва йўлини топгандек бўлишди: Парламент депутатлар орасида порахўрликка қарши чора сифатида улар маошини оширишга қарор қилди ва энди виждонли депутатлар сафи кўпайишига умид боғламоқда.

Янги қарорга кўра, депутатлар 1,5 минг долларга тенг маош эмас, балки 336 минг шиллинг, яъни 4,3 минг доллар маош олишади. Агар шундаям порахўрлик билан қўлга тушса, умуман шафқат қилинмайди, дейишмоқда улар.

НЕМИСЛАРНИ НИМА ҚЎРҚИТАДИ?

Яқинда «Эр плюс Фау» суғурта компанияси немислар орасида ўзига хос сўров ўтказди, яъни улар тушларида асосан нимадан қўрқишади, деган саволга жавоб топмоқчи бўлишди. Ва топишди ҳам. Маълум бўлишича, энг биринчи галда озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар, шунингдек, иссиқлик энергиясига бўлган талаб кучайгани боис нарх кўтарилиб кетиш хавфи уларга тушларида ҳам тинчлик бермас экан. Негаки, нархнаво кўтарилса, турмуш тарзи пасайиб кетиши барчага равшан.

Тузалмас касалликка чалиниш ёки пенсия олдидан ногирон бўлиб қолишдан чўчиш эса кейинги ўринда туради. Шунингдек, оиласидан ажралиш хавфи ҳам уларга безовталик «ҳадя» этади.

ТЕЛЕФОНЛИ ФОТОАППАРАТ

Японияннинг «Шарп» фирмаси мутахассислари ялли телефон билан ишлайдиган фотоаппарат яратди. Унинг вазни атиги 74 грамм. Янги рақамли фотоаппарат билан бемалол сурат чиқариб, кейин Интернет орқали истаган жойга узатиш мумкин. Янги телефотоаппаратни келаси ой сотувга чиқариш режалаштирилмоқда. Унинг нархи 400 АҚШ долларига тенг бўлади.

«ЧОРТОҚДОНМАҲСУЛОТ» ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ЧОРТОҚДОНМАҲСУЛОТ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ 2000 ЙИЛ 7 НОЯБРЬ КУНИ ЧАҚИРИШГА ҚАРОР ҚИЛДИ.

ЙИҒИЛИШ КУН ТАРТИБИГА ҚУЙИДАГИ МАСАЛАЛАР КИРИТИЛДИ:

1. Жамият Низом жамғармасини ошириш.

2. Жамият акцияларининг иккинчи эмиссиясини чиқариш ва унинг сотувидан тушадиган маблағларни мақсадли ишлатилиши йўналишларини белгилаш ва тасдиқлаш.

3. Жамият акцияларининг иккинчи эмиссияси муносабати билан жамиятнинг таъсис ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

4. Бошқа масалалар.

Йиғилиш жамият бошқаруви биносида соат 11.00 да бошланади.

ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни жамоаси тажрибали матбаачи Ўзбекистон Республикаси «Давлат Белгиси» ишлаб чиқариш бирлашмаси Бош директори ўринбосари — қоғоз фабрикаси директори **Абдураим Абдукаримович АБДУКАРИМОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор қилади.

КИТОБ — СОДИҚ ДЎСТ

МУСТАҚИЛЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ТАРАННУМИ

Мустақиллик шарофати ила ўтмиш ва ҳозирги замон тарихини холисона ўрганиш ва оммалаштиришга катта имкониятлар яратилди. Бу борада Президентимизнинг тарих фанига билдирган фикр-мулоҳазалари муҳим аҳамият касб этади. Эндиликда олимларимиз ўтмишда сохталаштирилган тарихимизни тубдан қайта таҳлил қилишга киришдилар. Кўпчилик қатори тарихчиларнинг кекса вакили Ҳамид Зиёев ҳам толиқмай, кўп асар ва мақолаларни чоп эттирмоқда. Уларнинг орасида «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни томонидан нашр этилган «Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш (XVIII-XX аср бошлари)» номли асари алоҳида ўрин эгаллайди.

Тадқиқот маҳаллий қўлёзма манбалари, архив ҳужжатлари, озодлик курашчиларининг хотиралари ва ўша давр адабиётлари асосида ёзилган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур манбаларнинг асосий қисми илмий истеъмолга биринчи маротаба жалб қилинган. Унда воқеалар ўша давр руҳини ҳисобга олган ҳолда, тарихийлик нуқтаи назаридан баён этилади. Манбавий маълумотлар эса имкон қадар ўз асл ҳолида қайд этилган.

Ватан тарихшунослигида ҳозирга қадар чор ҳукуматининг Ўрта Осиёга қарши уюштирган тажовузларининг бошланишидан то охиригача яхлит бир мавзу сифатида ўрганилмаган эди. Асарда айнан шу яхлит манзарани яратиш учун ҳарбий юришларнинг барчаси даврий изчилликда ёритилади. Бундан ташқари, мустамлака даврида озодлик учун олиб борилган кураш воқеалари ҳам тажовузга қарши курашларнинг мантиқий давоми сифатида ёритилади. Мавжуд адабиётларда Туркистон халқларининг 1892, 1898 ва 1916 йиллардаги миллий озодлик курашлари алоҳида ёритиларди. Ваҳоланки, улар чор ҳукуматининг тажовузларига қарши курашлар жараёнида юзага келган мустақиллик ва озодлик ғоялари билан суғорилган эди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, шўро замонида юқорида кўрсатилган миллий озодлик курашлари умум Россия ишчи революцион ҳаракатларнинг таркибий қисми сифатида баҳоланиб, уларнинг мустақиллик ва озодликни тиклашга қаратилганлиги инкор этилган эди. Асарда бу қўпол хато тузатилиб, уларнинг моҳияти ва йўналишига тўғри баҳо берилган. Айни пайтда ушбу масалани ёритишда янги ҳужжатлардан фойдаланилган.

Шўро давридаги адабиётларда «босиб олиниши» ўрнига «қўшиб олиниши» сўзи ишлатилиб, чор ҳукуматининг босқинчилик сиёсатини ниқоблашга ҳаракат қилинди. Муаллиф бунинг тамомила асоссизлигини исботлаган. Улар кўпроқ солдатларнинг жасорати ва жанговарлиги ҳақида жар солиб, уларнинг гўё енгилмаслигини намойиш этганлар. Амалда эса ўзбек халқи жон-жаҳди билан душман кучларига қарши қаҳрамонларча курашди. Бу йўлда ҳеч қандай куч озодлик курашидан қайтара олмади. Аксинча, ёшу қари, ҳатто аёллар ватан мустақиллиги учун жонларини ҳам фидо айладилар. Бундай ҳолат Қўқон, Бухоро ва Хива хонликларида олиб борилган жанглар вақтида яққол кўзга ташланди. Маҳаллий аҳолининг қаршилиги шу даражада кучли бўлдики, чор ҳукумати томонидан ўлкани босиб олишга 25 йил вақт кетди. Асарда бир неча йиллар мобайнида олиб борилган урушларнинг тафилоти яхши баён этилган. Айниқса, Тошкентда шиддатли жанглар бўлиб шаҳарнинг барча аҳолиси фаол қатнашди. Аҳоли жангчиларга меҳрибонлик кўрсатиб, зарур нарсалар билан таъминлаб турган. Бу ҳақда асарда келтирилган ҳужжат шоҳидлик беради: «шаҳар аҳлининг 7 ёшдан 70 ёшгача эркагу хотин, ёшу қариси хизмат камарини белларига боғлаб, пишган таомларни бошларига кўтариб, қатиқ, сут, шарбат, иссиқ нонлар ва ширин меваларни саватларга солиб, ғозийлар турган жойларга олиб бориб, илтижо, тавалло ва дилдорлик қилиб, кўзларида ҳасрат ёшларини оқизиб, кўз ёшлари билан ғозийлар юзларидаги чангу ғуборларни ювиб, артиб кўзгудек тозалаб, келтирилган нарсалардан татиб кўришларини илтимос қилдилар».

Кишини ҳайрат ва ҳаяжонга солувчи мазкур сатрлар ўзбек халқининг нақадар эрксеварлиги ва ватанпарварлигини кўрсатади. Бундай ҳолат асарнинг салкам 500 бетдан иборат барча саҳифаларида ўз ифодасини топган.

Ватан ҳимоячиларининг узоқ йиллар мобайнида олиб борган курашлари пировардида мағлубият билан тугалланганлигининг сабаблари тўғри баён этилган. XVI-XIX асрда хонликларнинг ўзаро қонли урушлари, тахта номуносиб кишиларнинг ўтириши бутун мамлакатда тарқоқлик ва қолоқликнинг ҳукм суришига олиб келди. Айниқса, миллий қўшиннинг жанговарлик фаолиятига аҳамият берилмай, замонавий ҳарбий билим ва техника жиҳатидан орқада қолишлиги босқинчиларга жуда қўл келди. Учала хонликларнинг ҳукмдорлари тақдири қил устида турганда кучларни бирлаштириш ва биргаликда душманга қарши курашиш ўрнига бир-бирини пайини қирқиш билан ўралашиб қолдилар, ўзаро душманчилик ҳамон давом этаверди. Хонларнинг ҳаммаси ҳарбий-техника ва стратегиядан тамомила бехабар бўлиб чиқдилар. Устига-устак юқори табақанинг айрим вакиллари ватанга хоинлик қилиб душман тарафини олиши катта зиён келтирди.

Асарда босқинчилар қўшининг ҳарбий маҳорати, техникасининг устунлиги, қўмондонларнинг билими ва режалари ўз самарасини берганлиги тўғри изоҳланган.

Муаллифнинг «Маънавият» нашриётида чоп этилган «Истиқлол — маънавият негизи» номли китоби ҳам муҳим масалаларни ўз ичига олган. Маълумки, шўро даврида қандай тузум ҳукм сурганлиги хусусида ҳанузгача махсус иш ёзилгани йўқ. Муаллиф бу масала бўйича илк бор ўзининг фикр-мулоҳазаларини изҳор этган. Асарда шўро даврида «социализм» эмас, балки қулдорлик давлати ташкил топганлиги ишончли далиллар асосида исботланган. Унинг «Истиқлол учун бирлашганлик» қисмида шўро тузуми келтирган даҳшатли фожиалари батафсил кўрсатилган. Асарнинг «оламшумул тарихий воқеа»га бағишланган саҳифалари алоҳида аҳамиятга эгадир. Уларда юртбошимиз Ислом Каримовнинг мустақилликни тиклаш учун олиб борган мардонавор кураши, миллий давлат бошқарувининг ташкил топиши, унинг моҳияти ва йўналиши ёритилган.

Маълумки, Президентимиз «Туркистон — умумий уйимиз» шиори остида, минтақада сиёсий, иқтисодий ва маънавий ягона муҳитни ташкил қилиш ғояларини кўтариб, халқларнинг дўстлиги, ҳамкорлиги ва биродарлигини таъминлашга улкан ҳисса қўшди. Асарда мана шу ғояларнинг тарихий илдизлари шарҳланган. Масалан, «Марказий Осиё истиқболи», «Тарих синовидан ўтган ягона иқтисодий тизим», «Буюк ҳаётий ғоя» ва «Туркистон — умуммуқаддас ватандир» каби қисмлари шулар жумласидандир. Асарда ҳозирги кунда ҳаётий масала бўлиб турган мафкурага доир фикрлар ўз ифодасини топган. Хусусан, «Миллий мафкура — жамиятнинг қон томири», «Амир Темур давлатининг мафкураси» қисмларида ўтмишда ва ҳозирда ҳукм сураётган миллий мафкуранинг моҳияти ва йўналиши яхши таърифланган.

Муаллиф миллий озодлик курашларининг тарихини ҳам четда қолдирмай шу кун талаби нуқтаи назаридан баён этган. «Яхшироқ уйғонгин ўзбегим», «Қалбларга нур сочган ўзбегим», «Нексия», «Тико», «Дамас» фақат транспорт воситаси эмас» ва бошқа муҳим масалаларни ўз ичига олган қисмлар мамнуниятлик билан ўқилади. Мазкур асар ҳақиқатан ҳам маънавий ҳаётимизни илғорлаштириш ва бойитишга ҳисса қўшади.

Яқинда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти Ҳамид Зиёевнинг «Тарих — ўтмиш ва келажак кўзгуси» номли китобини босмадан чиқарди. У билан танишган ҳар бир ўқувчи ўтмиш ва ҳозирги замон тарихига тегишли маълумотларга эга бўлади. «Бажонидил овоз берган эдим, ишончим оқланди» қисмида муаллифнинг шу йил ўтказилган Президентлик сайловига муносабати ўз аксини топган.

Асарнинг тарихий шахслар ва озодлик учун курашган қаҳрамонларга бағишланган саҳифаларида қадимги ва ўрта асрларда озодлик учун жонини тиккан давлат арбоблари ва бошқа кишилар фаолиятига тегишли баҳо берилган. Унда академик Иброҳим Мўминовнинг Амир Темурга бағишланган иши қандай шароитда ёзилганлиги ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. «Салтанат таянчи ва давлат мададкори» қисмида Алишер Навоийнинг ҳокимиятни мустаҳкамлашга ва тараққиётни таъминлашга қаратилган катта хизматлари кўрсатилган.

Асардан шу пайтгача биз билмаган масалалар бўйича янги маълумотларни олиш мумкин. Масалан, улар «Баҳовуддин Нақшбанд таълимоти Сибирда», «Тошкентдаги Қуръони Каримнинг асл нусхаси қаердан келтирилган?» қисмларда ўрин олган.

Ҳеч кимга сир эмаски, пахта ҳаётимизнинг ўзакларидан биридир. У ҳақда кўп гапирамиз. Лекин пахтачиликнинг тарихини яхши билмаймиз. Муаллиф буни ҳисобга олган ҳолда китобига чоризм даврида пахта яккаҳокимлиги учун кураш ҳақидаги ишини киритиб тўғри қилган. Ўқувчи Тошкент тарихи бўйича ҳам қимматли маълумотларни олиши ва етарли даражада тушунча ҳосил қилиши мумкин. Бу масала янги манбалар асосида ёритилганлиги билан ажралиб туради. Шу вақтгача, жадидлар ҳаракатига бағишланган кўп ишлар бўлса-да, лекин уни юзага келтирган шароит ўрганилмаган эди. Шу боис «Жадидлар ҳаракатининг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий замини»ни ўз ичига олган қисми диққатни жалб этади. Шунингдек, «Ватан тарихини қандай ўрганмоқ керак?» бобида миллий тарих фанини ривожлантиришга доир фикр-мулоҳаза ва тавсиялар баён этилган.

■ Ғуломжон АҲМАДЖОНОВ, тарих фанлари доктори, профессор

ТИЛ РОБИТАЮ ВОСИТАДИР

Миллатимиз кўзгуси бўлган ўз она тилимизнинг, халқимиз ифтихори бўлган забонимизнинг биз учун азиз ҳамда мўътабар эканлигини олий неъмат—истиқлол орқалигига ҳис этдик.

Дунёда яхши-ёмон тил бўлмайди, ҳаммаси ўз миллати учун азиз. Ўзбек тили қадимдан шоиру фозилларнинг, шоҳларнинг, уламою фуқароларнинг сози бўлиб келган. Шеърият мулкининг султони Алишер Навоий ўз тилимизни жаҳонга танитган улуғ шоир саналади. Ул зот «Муҳокаматул-луғатайн», «Мажолисун-нафоис» каби асарлари билан ўзбек тилининг куч-қудратини, бойлиги ва нафислигини намойиш қилди, шу билан бирга туркий тилда ижод қилишдан фахрланди. Бобур Самарқанддан бош олиб кетар экан, она юртидан фақатгина ўз она тилини олиб кетди. Шу тил билан ўзини овутди, ёлғиз тили орқали ширин хаёллар, улкан орзулар оғушида яшади. Бинобарин, тилдаги ҳар бир сўз, унинг ҳар бир шакли инсон тафаккури ва туйғусининг натижасидир. Ўша тафаккур ва туйғулар орқали сўз ёрдамида мамлакат табиати ва халқ тарихи ифода этилади. Шундай экан, ҳар бир миллат ўз миллий қадрият ва анъаналаридан келиб чиққан ҳолда забонини идрок этиши лозим. Бугунги кунда давр ўз она тилимизни чуқур англаган ҳолда жаҳон тилларини ҳам ўрганишга даъват этмоқда. Чунки биз жаҳонга юз тутаётган эканмиз, ҳар томонлама юксак маънавиятли ва маърифатли бўлишимиз лозим. Зеро, шоир Аваз Ўтар таъкидлаганидек:

Ҳар тилни билув эмди одама жондир,
Тил робитаи, воситаи оламиёндир.

■ Мунисхон ЖУМАЕВА, талаба

БОШ МУҲАРРИР
Азим СУЮН

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат ва ҳуқуқ — 133-44-55
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Реклама ва эълонлар 133-38-55, 133-47-80
Факс — 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-53-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Сахифаловчи-дастурчи
Икром ИСМОИЛОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: *Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 702

Топшириш вақти -- 21.00.
Топширилди -- 21.00.
1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА



КИТОБДАН ТОШКЕНТГА — ПИЁДА

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, меҳнат фахрийси 78 ёшли Йўлдош ота Турсунов улуғ байрамимиз арафасида қутлуғ ниятни дилига тугди — Китобдан пойтахтгача пиёда боришга аҳд қилди. «Китоб — сайёҳ» фирмаси отахонга кўмаклашиб, йўл харитасини тузиб берди. Кекса сайёҳ роппа-роса бир ой деганда Тошкентга етиб келди.

— Йўлма-йўл юртимиздаги бунёдкорликларни ўз кўзим билан кўрдим, — дейди Йўлдош ота. — Инсон улуғ мақсадлар билан яшаши керак. Интилганга толе ёр бўлади...

Йўлдош ота юртимизга ёвуз ниятлар билан келганлар қилмишидан нафратланади. Ёшларни ватанни севишга, уни асрашга даъват этади. Нуроний отахоннинг юртга меҳри, ҳаётга ва меҳнатга муҳаббати эзгу ибратдир.

■ Юнус УЗОҚОВ

ЗАМОНАВИЙ ЧОРВАЧИЛИК ЖАВОБГАРЛИГИ

Шу нарса диққатга сазоворки, Тўйчи Неъматов номли ширкат хўжалигида уруғ етиштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Туманда мевани қайта ишловчи «Марвел ДжусКо» Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонаси мавжуд бўлиб, эндиликда туман боғдорчилигида етиштирилган мевалар шу ернинг ўзида бежирим қадоқланиб, экспортга чиқариш имконияти туғилган. Бу ерда яна йилига 20 минг тонна узумни қайта ишлаш қувватига эга бўлган «Янис ЖВ» ўзбек-испан қўшма корхонаси борки, тилёрар узумларга четдан харидор излаб юришнинг кўпам ҳожати йўқ. Негаки, мева шу ернинг ўзида қайта ишланиб, тайёр маҳсулот ҳолида сотувга чиқарилади. Эндиликда кўпирувчи шампан винолари ишлаб чиқариш йўлида саъй-ҳаракатлар бошланди. Келгусида бу маҳсулотлар фақат экспортга чиқарилади. Зеро, экспорт салоҳияти нафақат корхона ё компанияларнинг, балки давлатларнинг-да қудратини белгилайди.

Қисқаси, туманда ислоҳотлар ўз самарасини бера бошлагани аниқ. Буни барча кўриб-билиб турибди. Мулк эгасини топмоқда. Туман аҳли мустақиллик шарофати туфайли эришилаётган ютуқларни кўпайтириш, эртанги кунга чуқур ишонч, юксак кўтаринкилик билан яшаб, меҳнат қилмоқда.

■ Алимқул СУЛТОН, Турғунбек МАҲКАМ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари

СУРАТЛАРДА: «Нанай» ширкат хўжалигида янги қурилган 400 ўринли 31-мактаб; янги қурилган маданият ва маънавият маскани ҳамда «Нанай» деҳқон бозори; «Янис-ЖВ» қўшма корхонаси цехларидан бирида.



НОН — ҚУТ-БАРАКА РАМЗИ

Эл қадрини туғишган билар,
Нон қадрини етиштирган.

* * *

Меҳнат билан топилган нон болдан ширин.

* * *

Нон — нозу неъматларнинг султони.

* * *

Нонни эъзозлаганни эл эъзозлайди.

* * *

Нони ҳалолнинг — ўзи ҳалол.

* * *

Нон — дастурхон кўрки.

■ Тўпловчи: Юнус ЗИЁДОВ

«Паркентсувқурилиши» трестининг ишлаб чиқаришни жамлаштириш бошқармаси қайта ташкил этилиши муносабати билан, яъни Механизациялаштириш ва махсус ишлар бошқармасига айлантирилиши туфайли даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида Тошкент вилояти «Водник» қўрғонида жойлашган идорада қабул қилинади.

Тел: (8-298) 33-174; 32-290.

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета **220** Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

2001 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси. исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси

п.в Жойи

220 Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

2001 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҚЎМИТАСИ

ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ПАЛАТАСИНИНГ ТАЪЛИМ ДЕПАРТАМЕНТИ

РЕСПУБЛИКА БИЗНЕС МАКТАБИ

ВА УНИНГ ТОШКЕНТ, АНДИЖОН, ФАРҒОНА, НАМАНГАН, ҚЎҚОН, ТЕРМИЗ, ҚАРШИ, НАВОИЙ, ЗАРАФШОН, УРГАНЧ, НУКУС, ГУЛИСТОН, ЖИЗЗАХ ШАҲАРЛАРИДАГИ ШОХОБЧАЛАРИ

СИЗГА МУҲИМ ҲАЁТИЙ МУАММОЛАРИНГИЗНИ ҲАЛ ЭТИШ УЧУН НОЁБ ИМКОНИЯТЛАРНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ.

СИЗ ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАР ДАРАЖАСИДА ҚУЙИДАГИ ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА БИЛИМ ОЛИШ ИМКОНИЯТИГА ЭГА БЎЛАСИЗ:

- Менеджер
- Маркетолог
- Биржа агенти
- Бухгалтер-аудитор
- Бизнесда хўжалик ҳуқуқи
- Молия
- Суғурта бўйича агент
- Туризм бўйича мутахассис
- Экология бўйича менеджер
- Реклама бўйича мутахассис
- Агро-бизнес бўйича менеджер
- Инвестициялар бўйича мутахассис
- Банк иши
- Солиқлар ва солиққа тортиш

2 ЙИЛДА

ЎҚИШ МУДДАТИ КУНДУЗГИ БЎЛИМДА 2 ЙИЛ, СИРТҚИ БЎЛИМДА ЭСА 2 ЙИЛУ 8 ОЙ.

ҲАҚ ТЎЛАШ УСУЛИ — СИЗГА МАЪҚУЛИ!

Битирувчиларга Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бизнес мактабларнинг ягона тизимдаги дипломи берилади. Республика бизнес мактаби негизида ва унинг шохобчаларида кичик бизнес учун бошқарув ходимларини тайёрлаш бўйича кичик ва ўрта бизнес ҳамда бозор инфраструктураси институтлари учун тайёрланган дастур амалга оширилади.

Ўқишни битирганлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш мажмуи таркибида, Ўзбекистон Республикаси товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасида, Республика кўчмас мулк биржасида, «Ўзтадбиркорбанк»да, «Мадад» суғурта агентлигида, «Тошкент» Республика фонд биржасида кичик, ўрта ва хусусий бизнес корхоналарида иш билан таъминланадилар.

Манзил: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 7-«а» уй, 7-қават. Мўлжал: «Санъат саройи» кинотеатри қаршисида. Телефонлар: 144-12-42, 144-26-87, 144-42-16.